

ИФТОРЛИК ТАДБИРЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мана бир неча кунки, Президентимиз ташаббуси билан муборак Рамазон ойида инсонлар ўртасида хайру саховат ва меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустаҳкамлаш мақсадида шаҳримиздаги маҳаллалар томонидан ифторлик дастурхонлари ёзилмоқда.

Хусусан бугун ҳам шаҳримиздаги “Узунҳовуз”, “Ватан”, “Увайсий” ҳамда “Ўрда таги” маҳаллаларида яшовчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган 500 нафардан зиёд кам таъминланган, эҳтиёжманд, ногиронлиги бор бўлган фуқаролар жам бўлган ушбу хайрия тадбири шаҳар ҳокимлиги ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлинмаси томонидан ўтказилди.

Файзли дастурхон атрофида кечган сухбат жараёнида “Фурқон” масжиди имом хатиби Ҳамдам домла Мўминов рамазон ойининг фазилатлари, шукроналик, одамларнинг бир-бирига меҳроқибати мустаҳкамланиб бораётгани ҳақида тўхталиб ўтди.

Ифторлик тадбири якунида нуронийлар юртимизга тинчлик, оиласаримизга тотувлик, рўзғоримизга қут-барака тилаб дуога қўл очишиди.

Бу каби ифторликлар шаҳардаги ҳар бир маҳаллаларда давом этмоқда.

2023-04-06 20:34:38